

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲЎЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ
ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲЎЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**Ер тузиш ер кадастри фанининг долзарб масалалари.
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчи:

Тошкент – 2015

Оглавление

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ	3
МАЪРУЗА МАТНИ	11
: Ер тузишнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Ер тузиш тушунчаси, мазмунни ва вазифалари.	11
АМАЛИЙ МАШГУЛОТ.....	20
1-МАВЗУ: Ер кадастри. Ерни сон ва сифат жиҳатдан . хисобга олиш.....	20
ТЕСТ	24

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲЎЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”
Тармоқ маркази директори
С.С.Гулямов
“_____” 2015 йил**

**ЕР ТУЗИШ ЕР КАДАСТРИ ФАНИНИНГ ФАНИНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МОДУЛИНИНГ**

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Ер тузиш ва ер кадастри ОТМ таълим йўналишлари ва мўтахассисликлари бўйича умумкасбий ва ихтисослик фанларидан дарс берувчи педагоглар учун

Тошкент – 2015

Модулнинг ўкув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўкув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2015 йил 7 январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

ТУЗУВЧИ:

И.Турапов- Тош Даунинг Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси профессори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори
Х.К.Номозов- Тош Даунинг Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси доценти, биология фанлари номзоди
К.И Шадраимова- Тош Даунинг Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси, биология фанлари номзоди, доцент

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Норқулов.У – Тошкент давлат аграр университети агрономиява дехқончилик кафедраси доценти.

С.А.Абдуллаев- Ўзбекистон Миллий Университети, тупроқшунослик ва агрокимё кафедраси профессори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори

А.У.Аҳмедов- Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот Давлат институти Шўр тупроқлар генезиси ва мелиорацияси бўлим мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Ўкув дастурлари Тошкент давлат аграр университети Илмий кенгашида тавсия қилинган (2014 йил 27-ноябрдаги 7-сонли баённома).

Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанны ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўtkазишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Олий таълим муассасалари “Ер тузиш ва ер кадастри” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим – тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, қўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Ер тузиш ва ер кадастри” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги хужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

I. Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Ер тузиш ер кадастри фанининг фанининг долзарб масалалари”

модулиниң мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака

oshiриш курс тингловчиларини қишлоқ хўжалигидаги билимларини

такомиллаштириш, фаннинг муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш
кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Ер тузиш ер кадастри фанининг фанининг долзарб масалалари”

модулиниң вазифалари:

- Ер тузиш ер кадастри фанининг фанининг долзарб масалалари фанларини ўқитиш жараёнини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш;

- тингловчиларнинг қишлоқ хўжалигидаги таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- фан бўйича педагогик муаммоларни ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишга ўргатиш.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Ер түзиш ер кадастри фанининг фанининг долзарб масалалари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- ер түзиш ер кадастри йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларининг дидактик асосларини;
- ер түзиш ер кадастри йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича инновацияларни;
- ер түзиш ер кадастри кадастри соҳасидаги сўнгти ютуқларни;
- ер түзиш ер кадастри йўналиши доирасидаги мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича илгор хорижий тажрибаларни;
- а ер түзиш ер кадастри йўналиши доирасидаги фанларни ўқитиш бўйича педагогик маҳорат асосларини билиши керак.
- ер түзиш ер кадастри йўналиши фанларидан электрон ўқув материалларини яратা олиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- ер түзиш ер кадастри йўналиши педагогларида касбий билимларни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва ўзвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Ер рузиш ва ер кадастри фанининг долзарб масалалари”, “Ер ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш ва прогроз қилиш масалалари”, “Ер түзиш ер кадастрининг турлари, таркибий қисимлари ва асосий тамойиллари” ўқув модуллари билан ўзвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Ер түзиш ер кадастри фанининг фанининг долзарб масалаларини аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш, оптимал ва муқобил ечим топишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				Мустакил тальим	
			Аудитория ўқув юкламаси					
			Жами	жумладан	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Ер тузишнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Ер тузиш тушунчаси, мазмунни ва вазифалари	2	2	2				
2.	Ўзбекистоннинг ер ресурслари ва улардан фойдаланиш	2	2	2				
	Ер кадастри. Ерни сон ва сифат жиҳатдан . ҳисобга олиш.	2	2		2			
	Жами:	8	6	4	2		2	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Ер тузишнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Ер тузиш тушунчаси, мазмунни ва вазифалари (2-соат).

Режа:

1. Ер тузишнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
2. Ер тузиш тушунчаси мазмунни ва вазифалари.

Ер тузиш кўп асрлик тарихга эга. Инсоният жамияти эволюциясининг барча тарихий босқичларида ернинг (худуднинг) ва ҳар хил ишлаб чиқариш воситаларининг бир-бирига мослигини таъминлаш керак бўлади.

Ибтидоий жамоада бу бирлашиш ва мослашиш нисбатан тасодифий характерга эга бўлиб, ердан ҳар хил мақсадлар учун фойдаланиш доираларини чегаралашдан иборат бўлади.

Айрим оилалар ва сулолалар мулкчилигининг пайдо бўлиши, меҳнатнинг подачилик ва деҳқончилик уруғлари орасида тақсимланиши ерларни чегаралаш заруратини олиб келди. Бу эса ер ўлчаш ишлари ёки ер тузиш деб аталаидиган жараённи бошлаб берди.

2-Мавзу: Ўзбекистоннинг ер ресурслари ва улардан фойдаланиш(2-соат).
Режа:

1. Ер фондининг тоифалари.
2. Қишлоқ хўжалик ер турлари.
3. Ер турларининг ер фондидағи салмоги.

Ер республикамиз худудида яшаётган ҳалқларнинг ҳаёти ва фаолияти асоси ҳисобланади. Ҳар бир фуқаро ер олиш хуқуқига эга; ерга хусусий мулкчилик хуқуки тан олинади ва ҳимояланади; ер участкаларини маҳаллий бошқарув органлари мулк қилиб ва фойдаланиш учун берилади ва қайтариб олинади; ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш тўловлар асосида амалга оширилади, тўловлар ер солиги ва ижара ҳаки шаклида олинади; қишлоқ хўжаликда ердан фойдаланиш устиворликка эга; ердан мақсадли ва оқилона фойдаланиш керак; ерда хўжалик юритишнинг кўп турлилиги ва барча шаклларининг тенглиги ўрнатилган; ерга мулкчилик, эгалик ва доимий фойдаланиш хуқуқлари ер участкасини ажратиш тўғрисидаги давлат далолатпомаси ёки гувохномаси билан тасдиқланади.

АМАЛИЙ МАШФУЛОТ МАЗМУНИ.

1-Мавзу: Ер кадастри. Ерни сон ва сифат жиҳатдан . ҳисобга олиш (2-соат).

Режа:

1. Ер кадастрининг вазифалари, мақсади ва таркибий қисми.
2. Тупроқ бонитировкаси.
3. Ерларни иқтисодий баҳолаш.

Ер кадастри ер тўғрисида, уларнинг ер эгаликлари, ердан фойдаланувчилар ерларни мелиоратив ҳолати ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш, тупроқ ва ер майдонларининг технологик хусусиятлари, маълум қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришга яроқлиги, уларнинг ҳосилдорлиги ва шунга мос келадиган меҳнат ва пул-моддий ҳаражатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Давлат ер кадастри ўзига керакли хужжатларни, ернинг табиий хўжалик ва хуқуқлари, уларнинг даражаси, сифат тавсифи ва қиймати, ер майдонларининг кенглиги ва жойлашган ўрни, уларнинг ердан фойдаланувчилар, ер эгалари, ижарачилар ва мулкдорлар томонидан тақсимланишини кўрсатиб беради. Давлат ер кадастри Давлат ва табиий манбаалар кадастр соҳаларини асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг умумий ягона кадастр тизимига киради.

КЎЧМА МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Бу фан бўйича кўчма машғулотлар назарда тутилмаган.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Ер тузишнинг келиб чиқиши тарихи фан сифатда шаклланиши ва аҳамияти ер тузиш турлари ва ўзаро боғлиқлиги билан танишилади.
2. Ер тузишда фойдалани-ладиган ижтимоий ва иқтисодий шароитлар билан танишилади бир-бири билан таққосланади ва биргалиқда ўрганилади.
3. План ва карталарнинг асоси бўлган геодезик таянч тармоқлари ва уларнинг турлари билан танишилади. План ва карталарнинг тузишда топографик съёмка турлари билан танишилади.
4. План ва карталарни янгилаш йўлларини ўрганади.
5. Ер тузими ва Ер ислоҳатига оид хукумат қарориларини амалда бажарилишига оид маълумотлар билан танишади. Мулкчилик турлари бўйича қонун хужжатлари билан танишади.
6. Ер тўғрисидаги қонун хужжатлари билан танишади. Давлат ер кадастри маълумотларини ўрганади.
7. Фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича Ўзбекистон республикаси ВМ қарори билан танишилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

- Норкулов У, Шералиев Х «Қишлоқ хўжалиги мелиорацияси» Т. 2003
Артуқметов З, Шералиев Х «Экинларни суғориш асослари» Т. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти 2005.
Норкулов У «Мелиораци» фанидан маъруза матнлари Т 2000.
Лев В.Т. ва бошқалар «Суғориладиган дехқончилик ва қишлоқ хўжалиги мелиорациясидан амалий машғулотлар» Т 1992.
«Суғориш асослари» фанидан маъруза матнлари Т 2000
Яйловлар мелиорацияси фанидан маъруза матнлари. Т. 2002.
. Авезбоев С, Волков С «Ер тузишнинг илмий асослари». -Т Янги аср авлоди», 2002 й
Авезбоев С., Карабоева Т. «Ер тузиш» Т.- «ТошДАУ» 2005.
.Авезбаев С, Троицкий В.П.. - “Ер тузишнинг илмий асослари”. - Т. 1996
Толипов Г.А. ва бошка. - “Ўзбекистон Республикаси ер кадастри”. - Т. 1994
Ер тузиш (маъруза матнлари) Т. ТошДАУ 2003 й.
12,Каримов И.А. «Дехқончилик тараққиёти, фаровонлик манбаи» Т 1994
13,Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида» Т 1995
14,Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» 1998й. 30 апрель. (2004 йил 3 декабргача киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан).
15,Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси № 12, 2004.
16Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида» (янги таҳрирда)ги Қонуни 2004 йил 26 август «Ҳалқ сўзи» газетаси, 2004.
17,. **Беспалов Н.Ф. Норкулов У. Пути мелиорации засолённүх почв Средней Азии** Изд. «Фан» (Монография) Т 1986.

Ер түзиш ер кадастри фанининг долзарб масалалари

- 18,Пахтакорлар учун маълумотнома Т 1993.
- 19,20,Т.М.Мирзаалиев. - “Картография”. - Т., 1986.
- 21,22,. Карабаева Т., Артукуметов З. «Геодезия асослари» Т.; «Арнапринт» 2005.

Сайтлар:

<http://www.TSAU.uz>

<http://www.zona.ru>.

<http://doklad.ru>.

<http://www.do.ektu.kz>.

МАЪРУЗА МАТНИ.

: Ер тузишнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Ер тузиш тушунчаси, мазмуни ва вазифалари.

Режа:

- 1.Ер тузишнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
- 2.Ер тузиш тушунчаси мазмуни ва вазифалари.

Таянч иборалар: ер тузии, кадастр, ўлчаш, чегара, еволюция, обтидоий жамоа, дехқончилик уруғлари.

1.Ер тузишнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.

Ер тузиш кўп асрлик тарихга эга. Инсоният жамияти эволюциясининг барча тарихий босқичларида ернинг (худуднинг) ва ҳар хил ишлаб чиқариш воситаларининг бир-бирига мослигини таъминлаш керак бўлади.

Ибтидоий жамоада бу бирлашиш ва мослашиш нисбатан тасодифий характерга эга бўлиб, ердан ҳар хил мақсадлар учун фойдаланиш доираларини чегаралашдан иборат бўлади.

Айрим оилалар ва сулолалар мулкчилигининг пайдо бўлиши, меҳнатнинг подачилик ва дехқончилик уруғлари орасида тақсимланиши ерларни чегаралаш заруратини олиб келди. Бу эса ер ўлчаш ишлари ёки ер тузиш деб аталадиган жараённи бошлаб берди.

Ер ўлчаш ишлари зарурати жуда қадимдан пайдо бўлди. Яқин шарқ ҳалқлари бизнинг эрамиздан кўп асрлар олдин хам ер массивларни қисмларга бўлишган, ернинг қатъий ҳисобини олиб боришган, ерларнинг чегаралаш ва ўлчаш ишларини бажаришган ҳамда солиққа тортиш мақсадида унинг сифатини ҳисобга олганлар.

Үрта асрларда Европада ер тузумининг асосини феодалларнинг ерга мулкчилиги ва асосан мерос характерга эга дехқонларнинг ажратилган ердан фойдаланишларни ташкил этади. Бу даврда ер тузиш давлат мақомига эга бўлиб ерларининг ҳисобини олиш, ер эга-лари орасидаги чегараларни белгилашдан иборат эди.

Капитализм ривожланиши билан ер тузиш ишлари доимий характерга эга бўла бошлади. Бу даврларда ер мулкчилиги хуқуқларини мустаҳкамлаш, йирик товар хўжаликларида ердан фойдаланишни ташкил этиш билан шугулланди.

Ердан фойдаланиш жараёнида одамлар ерларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ маълум муносабатларга кирадилар; уларнинг асосини ерга бўлган мулкчилик ташкил этади. Ер муносабатлари бу ердан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлардир. Улар фуқаролар, корхоналар, давлат органлари ва бошқа хўжалик ва ўзга фаолиятлар субъектлари орасида келиб чиқади. Конун билан тартибга солиниб, улар ер хуқуқи муносабатларига, яъни, ердан фойдаланиш соҳасидаги иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашнинг

хуқуқий шаклига айланди. Уларнинг бевосита обьекти ҳар хил майдонга, жойлашган ўрнига, сифати ва мўлжалланган мақсадига эга ер участкаларидир. Майлум ер муносабатлари ва уларни тартибга солишни мос ташкил этиш билан тавсифланувчи жамият ва давлат қурилиши тизими жамиятнинг ер тузимини белгилайди.

Жамиятнинг ер тузуми-бу жамиятда ерга мулкчиликнинг қонун билан белгиланган шакллари, унда хўжалик юритищ, ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланиш шакллари ва ер тузиш, ерни тақсимлаш тизими ва уни тартибга солиш усуллари асосида жамиятда юзага келган барча ер муносабатлари йиғиндисидир. Жамиятнинг ер тузуми ўзгаришсиз қолмайди; у эволюция асосида (аста секин ривожланиш), радикал ислоҳатлар асосида, айрим холларда эса революция асосида ҳам ўзгариши мумкин.

Ер ислоҳати-бу қонуний расмийлаштирилган ер тузумини ва ер муносабатларини, ерга бўлган мулкчилик шаклларини ўзгартириш, ерни бир мулкдордан ва фойдаланувчидан иккинчисига олиб бериш ва мамлакатда худудий тузилишни мос равища ўзгартириш билан боғлиқ тубдан қайта қуришдир.

Шундай қилиб ер ислоҳати-бу Давлат томонидан тартибга солинувчи ва назорат қилинувчи, унинг ер сиёсатининг умумий кўринишини ўзида мужассамлаштирувчи янги ер тузумига ўтиш жараёнидир. Ислоҳат ер эгаиклари ва ердан фойдаланувчиларнинг, ерга бўлган мулкчиликнинг янги шаклларига нисбатан тез ва қийинчиликларсиз ўтишни таъминловчи хуқуқий, иқтисодий, техник ва ташкилий чоралар мажмуасини амалга оширишни назарда тутади. Давлат ер тузумига у ёки бу даражада таъсир этиб, ҳар хил хуқуқий, иқтисодий, ташкилий чоралар ёрдамида амалга ошириладиган ер сиёсатини олиб боради.

Иқтисодий чоралар ер муносабатларининг солиқка тортиш, кредитлаш, мақсадли молиялаш, субсидиялаш, ердан фойдаланишни режалаш ва шунга ўхшашлар асосида ривожланишига ёрдам беради.

Ташкилий чоралар ер муносабатларининг ривожланишини ҳар хил ширкатларни, ўртоқликларни тузиши, малакали кадрларни тайёрлаш, моддий-техник таъминотга, транспортга ердам кўрсатиш, янги ерлар ўзлаштирилаётган туманларга аҳолини кўчиришга кўмаклашиш ва шунга ўхшашлар билан таъминлайди.

Ер тузишнииг хуқуқий асоси Республика Конституциясига асосланган ер тўғрисидаги қонунлар ҳисобланади. Унинг асосий манбаларини 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси", "Ер тўғрисидаги қонун" ва ер муносабатларини тартибга солувчи бошқа меъёрий хужжатлар ташкил этади. 2003 йил 29-30 август кунлари бўлган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўн иккинчи сессиясида 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган "Ер кодекси", "Қишлоқ хўжалик коперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги", "Фермер хўжалиги тўғрисидаги", "Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги" қонунларга ўзгаришлар ва қушимчалар киритилди.

Ерга эгалик қидиши хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан берилади.

"Ердан фойдаланиш" ва "Ер эгалиги" тушунчалари бир хил эмас. Ўзбекистон республикаси қонунларига асосан ер участкалари мулк қилиб, эгалик қилиш ёки фойдаланиш учун маҳаллий бошқарув органлари (хокимиятлар) томонидан уларнинг ваколлатларидан келиб чиқиб берилади. Ер участкалари Давлат, жамоа ёки айrim фуқаролар мулки булиши мумкин. Давлат мулки ҳисобланган ерлар муддатсиз (доимиий) фойдаланишга ноқишлоқ хўжалик корхоналарига, ташкилотларга, муассасаларига берилади.

Умрбод мерос қолдириш хуқуқи билан ва мулк қилиб ер участкалари дехқон хўжаликларини ташкил этиш, қишлоқларда шахсий хўжаликларни юритиш, боғдорчилик ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун ажратилади.

2.Ер тузиш тушунчаси мазмуни ва вазифалари.

Ер турларидан бири ижара ҳисобланади, яъни ер участкасини бошқа шахсга (ижарачига) шартнома бўйича белгили тўлов ижара ҳақи эвазига вақтинча фойдаланишга берувчилар маҳаллий хокимиятлар ва қишлоқ хўжалик ширкатлари ҳисобланади. «Ердан фойдаланиш» тушунчаси айrim холларда умумий манода ишлатилади ва ердан фойдаланиш жараёнини ёки хуқуқий мақомига боғлиқ бўлмаган холда фойдаланилаётган участкани билдиради.

Ер - жамият бойлигининг асоси ҳамда бошланғич манбаи, ҳалқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришнинг асосий пойдевори ва қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситасидир.

Ер географик нуқтаи назардан қуёш тизимининг учинчи сайёрасидир. У бундан 4,5 млр. (бошқа бир маълумот бўйича 5,5 млр.) йил олдин пайдо бўлган. Ер сайёрасида 29 % қуруқлик, яъни 149,1 миллион km^2 ни, океанлар майдони эса 71 % ни, яъни 361,1 миллион km^2 ни ташкил этиб, у денгиз сатҳидан ўртacha 875 м баландликда жойлашган. Ушбу қуруқликнинг 1/3 қиеми тоғлардан иборат.

Экологик ва табиий нуқтаи назардан қараганда ер қуруқликнинг муҳим бирикмаси ҳисобланади ҳамда табиий ресурслар таркибига киради. Асосий табиий ресурслар турига ер, сув, биологик ва минерал бойликлар билан бирга атроф-муҳит ҳавоси ҳам киради.

Ер ресурси деб, табиий тарихий белгилар бўйича бир-биридан фарқ қилувчи ҳамда маълум мақсадлар учун фойдаланадиган ёки фойдаланишга яроқли бўлган ерга айтилади.

Ер ўзида қуийдаги асосий хусусиятларни мужассам этган: жойнинг кенглиги, рельефи, тупроқ қоплами, табиий ўсимликлар гидрографик ва гидрогеологик хусусиятдир. Булар ичида энг асосий тупроқ бўлиб, у унумдорлик хусусиятига эга. Тупроқ унумдорлиги деб, уни ўсимликка озиқ моддалар етказиб бериши ҳамда ҳосил етказиш қобилиятига айтилади. Иқтисодий нуқтаи назардан эса ер ишлаб чиқариш воситаси сифатида тушунилади. Шу жиҳатдан ер жамият ишлаб чиқаришда шундай бир зарурӣ

шартки, усиз меҳнат жараёнини ва умуман ҳар қандай ишлаб чиқаришни амалга ошириш мумкин эмас.

Ижтимоий жиҳатдан ер ҳалқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришнинг асоси, инсонларни жойлаштириш ва яшаш жойи вазифасини ўтайди.

Ер тузиш шундан иборатки, бунда майдонлар ўлчанади, хўжаликнинг турли тармоқлари ундан фойдаланиш мақсадида маълум майдонларга бўлинади ва уларга ер билан боғлик бўлгаи ишлаб чиқариш воситалари жойлаштирилади.

Ер тузиш - бу ижтимоий - иқтисодий жараён ва ерлан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни ташкил этиш, ер эгаликлари, ердан фойдаланишлар ва маҳсус ер фондларини ташкил этиш ва тартибга солиш қишлоқ хўжалиги корхоналари худудларини тузиш, мақбул экологик муҳит ва табиий ландшафтларни яхшилаш бўйича тадбирлар тизимиdir.

Хозирги вақтда умумий ҳолда ер тузишнинг мақсади - инсон билан ер ўртасидаги бузилган алоқани тиклаш, ерга бўлган ҳалқ мулкчилигини амалга ошириш, ундан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, табиий муҳитнинг ўзгаришини олдини олишдир.

Ер тузишнинг асосий вазифаси - худудни ташкил этишдан иборат бўлиб, ер қонунлари асосида ҳалқ хўжалигининг барча тармоқларида ер ресурсларидан тўла, оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этади.

Ҳудуд бу ер юзасининг чегераланган ўзига хос табиий ва антропоген хусусиятларга, ресурларга эга, жойлашган ўрни, майдони, шакли, рельефи, кенглиги ва бошқа сифатлари билан тавсифланадиган бўлагидир.

Ер тузиш мазмуни, мақсади ва вазифаларига кўра қўйидаги асосий функцияларни бажаради:

1. Янги ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни яратиш, тартибга солиш, ернинг жойлашиши ва фойдаланишидаги камчиликларни тугатиш, мавжуд ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар, чегараларни ер тузиш схемасига асосланган ҳолда аниқлаш ҳамда ўзгартириш;
2. Илмий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни қўллаш;
3. Тупроқни сув ва шамол эрозиясидан ҳимоя қилиш;
4. Табиатни муҳофаза қилиш, рекреация ва қўриқхона сингари ўзига хос режимдаги майдонлар чегараларини белгилаш ва жойлашишини асослаш;
5. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлар учун янги ерларни аниқлаш;
6. Ҳалқ хўжалиги мақсадлари учун ер учаткаларини танлаш ва ажратиш;
7. Аҳоли жойлари чегаралари белгилаш ва ўзгартириш;
8. Жойда туман ёки шунга ўхшаш маъмурий жойлар чегараларини белгилаш;
9. Топографик ва геодезик, карташунослик, геоботаник, мелиоратив ва кузатиш ҳамда қидирув ўтказиш.

Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари:

1. Хар хил ижтимоий тизимларда ер тузишнинг ижтимоий иқтисодий мазмунни нималардан иборат?
2. Тарихий босқичларда ер тузиш тушунчаси қандай таърифланадй?
3. Ернинг табиий ресурс сифатида жамият хаётидаги аҳамияти қандай?
4. Ер тузишда қўлланиладиган "Ер тушунчаси"га тариф беринг?
5. Худуд нима?
6. Ер эгаликлари ва ердан фойдаланиш фарқи нима?

2-МАВЗУ: Ўзбекистоннинг ер ресурслари ва улардан фойдаланиш (2-соат).

Режа:

- 1.Ер фондининг тоифалари.
- 2.Қишлоқ хўжалик ер турлари.
- 3.Ер турларининг ер фондидағи салмоги.

Таянч иборалар: ресурслар, фонд тоифалари, ер тузиш, кадастр, ўлчаш, чегара, еволюция, обтидоий жамоа, дехқончилик уруғлари.

1.Ер фондининг тоифалари.

Ер республикамиз худудида яшаётган ҳалқларнинг ҳаёти ва фаолияти асоси ҳисобланади. Ҳар бир фуқаро ер олиш хукуқига эга; ерга хусусий мулкчилик хукуқи тан олинади ва ҳимояланади; ер участкаларини маҳаллий бошқарув органлари мулк қилиб ва фойдаланиш учун берилади ва қайтариб олинади; ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш тўловлар асосида амалга оширилади, тўловлар ер солиғи ва ижара ҳақи шаклида олинади; қишлоқ хўжаликда ердан фойдаланиш устиворликка эга; ердан мақсадли ва оқилона фойдаланиш керак; ерда хўжалик юритишниг кўп турлилиги ва барча шаклларининг тенглиги ўрнатилган; ерга мулкчилик, эгалик ва доимий фойдаланиш хуқуқлари ер участкасини ажратиш тўғрисидаги давлат далолатпомаси ёки гувохномаси билан тасдиқланади.

2002 йил Ўзбекистон Республикаси чегараси худудида 44410,3 минг/га ер майдони қайд қилинган бўлиб, у давлат мулки, умум-миллий бойлик-ҳисобланади, ундан унумли фойдаланиш керак ва давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ер фонди асосий фойдаланиш мақсади бўйича қуидаги тоифаларга бўлинади: 1. Қишлоқ хўжалигига мулжалланган ерлар; 2. Аҳоли пунктларининг ерлари; 3. Саноат, транспорт, алоқа, мудофа ва бошқа мақсадларга мулжалланган ерлар; 4. Табиатни муҳофаза қўлиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мулжалланган ерлар; 5. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар; 6. Ўрмон фонди ерлари; 7. Сув фонди ерлари; 8. Захира ерлар.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга, қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган ерлар киради. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 26644,1 минг/га ёки мамлакат ер фондининг 58,1 фоизини ташкил қиласди. Қишлоқ хўжалиги ерлари республиканинг алоҳида қимматга эга бўлган ер фондига тегишли бўлиб, кўп вазифани ўз ичига олади. Бу фақатгина қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юритишни таъминлаб қолмай балки, агроландштафтнинг қулай иқлим ва экологик шароитларини яратишда хизмат қиласди. Република худудлари бўйича қишлоқ хўжалик мақсадидаги ерларни тақсимлаш табиий мухит омилларига асосланади.

Ахоли пункти ерлари (шахарлар, посёлкалар ва қишлоқ ахоли пунктларнинг ерлари) — шахарлар ва посёлкалар, шунингдек қишлоқ ахоли пунктлари чегараси доирасидага ерлар ҳисобланади. Ахоли пункти ерларининг майдони 230,6 минг гектарни ёки умумий ер майдонининг 0,5 фоизини ташкил этади. Бу майдонга қишлоқ ахоли пунктлари чегараси доирасидаги ерлар кирмаган, уларнинг майдони 579,3 минг гектарни ташкил этади.

2. Қишлоқ хўжалик ер турлари.

Саноат транспорт, алоқа, мудофа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар-булар маълум мақсадда юридик шахсларга фойдаланишга берилган ерлар. 1934,2 минг гектар ёки барча ерларнинг 4,4 фоизини ташкил этади.

Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар эгаллаган, табиий даволаш омилларига эга бўлган ерлар, шунингдек оммавий дам олиш ва туризм учун фойдаланила-диган ерлар ҳисобланади. Бу тоифадаги асосий ерлар майдонини қўрикхона ва миллий bogлар ташкил этади. Давлат табиий қўрикхоналари, табиатни муҳофаза қилиш, илмий - тадқиқот ва экологик муассасаслар ерлари ҳисобланади, табиий ўзгаришлар ва ходисалар, ўсимлик ва хайвонот дунёсининг генетик фонди, алоҳида турдаги ўсимликлар таркиби ва хайвонлар тури, экологик тизимларни табиий сақлаш ва ўрганишдан иборатdir.

Тарихий — маданий аҳамиятга молик ерларга тарихий маданий ёдгорликлар жойлашган ерлар киради.

Табиатни муҳофаза этиш, соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ва тарихий - маданий аҳамиятга молик ерларнинг умумий майдони 12,6 минг гектарни ташкил этади.

Ўрмон фонди ерларига ўрмон билан қопланган, шунингдек ўрмон билан қопланмаган, лекин ўрмон хўжалик эҳтиёjlари учун ажратилган ерлар киради. Бу ерларнинг умумий майдони 8050,4 минг/га ёки барча ер майдонининг 18,2 фондини ташкил этади.

Ўрмон худудларининг табиатни муҳофаза қилиш функциялари ва ўрмонларни қайта тиклаш, уларни химоялаш ва сақлаш катта куч ва узок муддатни талаб қиласди.

Шу мақсадларда кейинги 10 йил давомида қишлоқ хўжалик ерларидан ўрмон фонди туркуми ерларига 5542,9 минг гектар ўтказилган. Бу эса ўрмон фонди ер майдонини 3,2 баробарга кўпайиб, тупроқларнинг емирилиши ва ўрмонларнинг кесилиб кетилишидан сақлаб қолди.

Сув фонди ерлари-сув обьектлари, сув хўжалиги иншоатлари эгаллаган ерлар ва сув обьектларининг қиргоқлари бўйлаб, хўжалик юритиш учун корхона, ташкилот ва идораларга белгиланган тартибда ажратиб берилган ерлар 810,2 минг гектарни ёки умумий ер фондининг 1,8 фоизини ташкил этади.

Захира ерлар — булар барча (шу жумладан сув остидаги ерлар) фойдаланишга, ижарага берилмаган, юридик ва жисмоний шахсларга

бириктирилмаган ерлар киради. Заҳира ерлар майдони 7582,5 минг гектар ёки барча ер фондининг тахминан 17,0 фоизини ташкил этади.

3. Ер турларининг ер фондидағи салмоги.

Қишлоқ хужалигидаги ислохатларни ўтказилиши жараёнида давлат хўжаликлари, жамоат ширкатлари, акционерлик на бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига айлантирилмоқда, жумладан 2003 йилги маълумот бўйича 2232 минг ер майдонида 1867 минг та ширкат хўжалиги, 1250 минг гектар ер майдонида 85511 та фермер хўжаликлари, 3,231 минг дан ортиқ қишлоқ ахолиси дехқон хўжаликлари ташкил этди. Хар бир фермер хужаликлари учун ўртача 19 га дан майдон тўғри келади. Оилавий қишлоқ хўжалик майда товор ишлаб чиқарувчиларга умрбод эгалик қилишга 601 минг гектар сугориладиган томорқа ер майдонлари ажратилган.

Республика ер фонди таркибида қуйидаги қишлоқ хўжалик ер турлари ажралиб туради (экин ерлар, пичанзорлар, яйловлар, бўз ерлар, кўп йиллик дарахтлар остидаги ерлар), шунингдек дехқон хўжаликлари (томорқа) ер майдонлари, ўрмонзорлар, мелиоратив тайёргарлик ҳолатидаги ерлар, сув остидаги, йўллар, курилиш ўрнидаги ерлар ва бошқа ерлар киради.

Сугориладиган экин ерлар республика иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалик ривожланишида бирламчи аҳамиятга эга ва қишлоқ хўжалик экин турлари учун энг қимматли ҳисобланади. 3313,6 минг гектар ёки сугориладиган ер майдонининг 77,4 фоизини ташкил этади.

Республика бўйича лалми экин ер майдони 743,0 минг гектарни ташкил этади. Лалми экин ерларнинг майдони кичик бўлишига қарамай, баъзи хўжаликларда уларнинг ишлаб чиқариш қуввати анча каттадир. Лалми ерларда қишлоқ хўжалик экин турларини етиштириш тупроқ катламида ёғингарчилик даврида йиғилган намлик ҳисобига бўлганлиги сабабли, республикада лалми экинлар ўртача йиллик ёғингарчилик 200 мм дан юқори бўлган худудларда жойлашган.

Амалиётда лалми ерлар ёғингарчилик билан таъминланган, ярим таъминланган ва таъминланмаган лалми ерларга бўлинади. Бу ўз навбатида тупроқ минтақаларининг жойлашганлигига боғлик.

Ёғингарчилик билан таъминланган лалми экин ер 13,4 фоиз, ярим таъминлангани 74,5 ва таъминланмаган 12,1 фоизни ташкил этади.

Республика бўйича сугориладиган кўп йиллик дарахтзорлар майдони таркибида боғлар 46,7, узумзорлар 30, тутзорлар 20 ва бошқа кўп йиллик дарахтзорлар 2,7 фоизни ташкил этади.

Республикада бўз ерлар майдони 80,7 минг гектар, шундан сугориладигани 46,5 минг гектар, лалми 34,2 минг гектарни ташкил қиласди. Сугориладиган бўз ер майдонларига вақтинча алмашлаб экишдан чиқсан сугориладиган ер майдонлари, нотўғри фойдала-нилган, сугориш иншоатлари ишдан чиқсан ва хоказо ерлар киради.

Бўз ерлар сугориладиган ер майдонларида кичик массивларда учрайди ва сугориш коллектор тармоқларига эга, шунингдек мелиоратив тадбирларни ўтказиш натижасида қайта тикланиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритиш мумкин.

Республиканинг кўпчилик қисмини яйловлар ташкил этиб, чорвачиликнинг асосий озуқа манбаи ҳисобланади. Республикада 22151,3 минг га яйлов майдонлари бор. Сув билан таъминланган 19449,2 минг гектар ёки 87 фоизни ташкил этади. Иқлим шароит-ларига қўра яйловлар чўл минтақаси, адир минтақаси ва тоғ минтақаларига бўлинади.

Бошқа ерларга чиқинди ва ахлатхоналарга ажратилган ер майдонлари, жарлик, қумликлар, копсервацияланган майдон ва бошқа фойдаланмайдиган ерлар 15414,1 минг гектарни ташкил этди.

Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари:

1. Ер фонди неча тоифага бўлинади?
2. Қайси тоифадаги ернинг халқ хўжалигидаги аҳамияти катта ва нима учун?
3. Ноқишлоқ хўжалик ерларга нималар киради?
4. Қишлоқ хўжалик ерлари гурухини санаб беринг?
5. Бўз ерлар деб қандай ерларга айтилади?
6. Лалми ерлар қандай ерлар?

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

1-МАВЗУ: Ер кадастри. Ерни сон ва сифат жиҳатдан . ҳисобга олиш (2-соат).

Режа:

- 1.Ер кадастрининг вазифалари, мақсади ва таркибий қисми.
- 2.Тупроқ бонитировкаси.
- 3.Ерларни иқтисодий баҳолаш.

Таянч иборалар: ресурслар, фонд тоифалари, ер тузиши, кадастри, ўлчаши, чегара, еволюция, обтидоий жамоа, дехқончилик уруғлари.

1.Ер кадастрининг вазифалари, мақсади ва таркибий қисми.

Ер кадастри ер тўғрисида, уларнинг ер эгаликлари, ердан фойдаланувчилар ерларни мелиоратив ҳолати ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш, тупроқ ва ер майдонларининг технологик хусусиятлари, маълум қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришга яроқлиги, уларнинг ҳосилдорлиги ва шунга мос келадиган меҳнат ва пул-моддий ҳаражатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Давлат ер кадастри ўзига керакли хужжатларни, ернинг табиий хўжалик ва хуқуқлари, уларнинг даражаси, сифат тавсифи ва қиймати, ер майдонларининг кенглиги ва жойлашган ўрни, уларнинг ердан фойдаланувчилар, ер эгалари, ижаравчилар ва мулкдорлар томонидан тақсимланишини кўрсатиб беради. Давлат ер кадастри Давлат ва табиий манбаалар кадастри соҳаларини асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг умумий ягона кадастри тизимига киради.

Ер кадастри Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳукумат ташкилотлари тегишли бўлган юридик ва жисмоний шахсларни керакли ер маълумотлари, ер муносабатлари, ерлардан тўғри ва унумли фойдаланишини ташкил этиш, ер тузиш, асосланган ҳолда ерга хақ тўлаш, хўжалик фаолиятини тўғри баҳолаш маълумотлари билан таъминлаш учун белгиланган.

Давлат ер кадастри ер нарҳини белгилашни асоси ҳисобланади.

Давлат ер кадастрини юритиш топографик-геодезик, план чизиш тупроқ агрокимё, геоботаник ва бошқа изланиш ва қидирувлардан, ерларни ҳисботи ва баҳолашда ер эгаларининг ердан фойдаланувчиларнинг, ижаравчи ва мулкдорларнинг ерга эгалик қилувчи хўжжатларини рўйхатга олиш билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги ер тўғрисидаги қонунида давлат ер кадастрининг шаклланишига оид умумий талаблар берилган. Бунда ерлардан оқилона фойдаланиш ва мудофаза қилиш, ер муносабатларини тартибга солиш, ер тузиш, ер учун тўланадиган хақ микдорини асослаш

хўжалик фаолиятини баҳолаш масалаларига жавоб бериш керак. У асосан тўртта таркибий қисмдан иборат:

- 1.Ер эгалиги ва ердан фойдаланишни хисобга олиш.
- 2.Ерларни миқдор ва сифат жихатидан хисобга олиш.
- 3.Тупроқ бонитировкаси
- 4.Ерларни иқтисодий баҳолаш.

Ер миқдорини хисобини олиб бориш, яъни ер хисобининг умумий аҳамияти шундан иборатки, бунда мавжуд ер кимга тегишлиги яъни унинг эгаси кимлиги аниқланади. Давлат ер хисоботи ва ердан фойдаланувчиларни қайд қилиш туман миқиёсида амалга оширилади. Ерларни миқдори, холати ва ер фондидан фойдаланиши хақидаги тўлиқ ва аник маълумотлар хамма ерларни хисобга олишда тайёрланади.

2.Тупроқ бонитировкаси.

Ерларнинг миқдори ва сифат жихатидан хасоб тизими қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади: Ер эгалиги (ундан фойдаланиш) униг майдони, ер турларини бўйича майдонларининг интенсивлик даражасини акс эттирувчи ер турларининг сифат жихатдан тавсифи (масалан, тошлиқ, маданий-техник ҳолати, шўрланиш, шўрҳоқлик ва х.к.) Бу маълумотлар ер турларининг картаси билан тузилиш лойиҳалаш ҳамда ўзлаштиришга асос бўлиб хизмат қиласи.

Тупроқ ботинировкаси - бу тупроқларни бир-биридан физик кимёвий, механик ва бошқа хусусиятлари бўйича фарқ қилишидир. Тупроқларни хусусиятлари бўйича бонитировка қилиш ерларни унумдорлиги ва бир хил тупроқли ҳамда бир хил технологик хусусиятга эга бўлган минтақада конкрет қишлоқ хўжалик эйнларини ўстиришга яроқлилиги тўғрисида маълумотлар беради. Агарда алоҳида ер участкаларининг технологик хусусиятлари бир хил бўлмаса ва унча катта бўлмаган ўзгариб турса, ундей тақдирда ерларни сифат жихатидан, баҳолаш керак. Ерларни баҳолашда тупроқнинг асосий хусусиятлари ва табиий шароитлари генетик аломатлари-суғорила бошланган даврнинг узоқ-яқинлиги, маданийлаштирилганлиги, агротехник ресурслари билан таъминланганлиги, механик таркиби, тупроқ хосил қаладиганжинслар генезияси, тупроқ қатламишининг сизот сувлари ўтказувчанлиги, шўрланиш даражаси эрозияга учрагани, сертошлиги, гипслашгани ва хаказолар хисобга олинади. Баҳолаш 100 балли шкала бўйича ўтказилади.

Ерларни иқтисодий баҳолашда уларни ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги ўзига хос барча хусусиятлари ҳамда фойдаланиш характеристига қараб уларнинг нисбий қиймати аниқланади. Иқтисодий баҳолаш хар хил сифатли бўлган ерларни даромадлигини аниқлашдир.

3.Ерларни иқтисодий баҳолаш.

Ерларни иқтисодий баҳолаш тупроқ бонитировкасидан фарқ қилиб, фақатгина табиий омиллар бўйича (унумдорлик, озиқа моддалар захираси ва х.к.) кўрсаткичларгина бўлиб қолмасдан балки қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштириш, саклаш ва сотиш бўйича хам маълумотлар беради.

Ерни иқтисодий баҳолашнинг баллардаги кўрсаткичлари, бир тупроқнинг иккинчи хил тупроқдан неча марта яхшилиги (қимматроқ) ёки ёмонлиги (арzonроқ) хақидаги саволга жавоб беради. Тупроқнинг самарали унумдорлиги, бу табиий унумдорлига билан сунъий унумдорлиги (мехнат харажатлари ва мехнат воситалари) бирлашиб кетишидан хосил бўдади. Буни аниқлаш учун қуидаги ишлар бажарилади:

1.Хўжаликнинг ҳамма турлари баҳоланади.

2.Ер баҳолаш икки йўл билан амалга оширилади: а) ерни умумий баҳолаш (бу айрим ўсимликларни экишнинг фойдалига бўйича ерни баҳолаш). б) хусусий баҳолаш.

Ерни умумий баҳолашнинг кўрсаткичлари:

- маҳсулдорлик (жами маҳсулотнинг қиммати) сўм/га.
- ҳаражатнинг қопланиши (қилинган бир сўмлик ҳаражатга олинган маҳсулотнинг қиммати):
- дифференциал даромад, фойда (жойлашиши ва сифати энг яхши бўлган ерлардан олинган соф фойданинг қўшимча қисми)

Ерни хусусий баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари:

- ҳосилдорлик, ц/га.
- Дифференциал даромад, сўм/га.

Баҳолаш кўрсаткичлари айрим хўжаликлар учун тупроқнинг агрономик ишлаб чиқариш гуруҳлари бўйича ишлаб чиқилса, айрим хўжаликлар учун эса технологик шароитларга ва ишлаб чиқаришнинг тифизлигига қараб тузатишлар киритиб, алмашлаб экиш далалари бўйича ҳисобланади.

Ерни баҳолаш натижалари бўйича қайдномалар ва ер баҳолаш карталари тузилади.

Ер кадастри ишларининг натижалари ер тузиш обьектининг сифат ҳолатини аниқлаш, сифатлари ҳар хил бўлган тупроқларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш имкониятини, шунингдек қишлоқ хўжалик ишлаб ҳамда майдонларни ташкил этишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш имконини беради.

Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари:

1. Ер тузишнинг ер кадастри ва бошқа тадбирлар билан боғлиқлиги?
2. Ер майдонларидан оқилона фойдаланишда кадастрнинг аҳамияти?
3. Ер ҳисботи ҳақида тушунча ва унинг мазмуни?
4. Тупроқ бонтировкасининг асосий мақсади нима?
5. Ерларни иқтисодий баҳолаш нима?

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛА РЎЙХАТИ.

1. Артукуметов З, Шералиев Х «Экинларни суғориш асослари» Т. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти 2005.
2. Норкулов У «Мелиораци» фанидан маъруза матнлари Т 2000.

- Лев В.Т. ва бошқалар «Суғориладиган дәхқончилик ва қишлоқ хўжалиги мелиорациясидан амалий машғулотлар» Т 1992.
- «Суғориш асослари» фанидан маъруза матинлари Т 2000
- Яйловлар мелиорацияси фанидан маъруза матнлари. Т. 2002.
- . Авезбоев С, Волков С «Ер тузишнинг илмий асослари». -Т Янги аср авлоди», 2002 й
- Авезбоев С., Карабоева Т. «Ер тузиш» Т.- «ТошДАУ» 2005.
- .Авезбаев С, Троицкий В.П.. - “Ер тузишнинг илмий асослари”. - Т. 1996
- Толипов Г.А. ва бошка. - “Узбекистон Республикаси ер кадастри”. - Т. 1994
- Ер тузиш (маъруза матнлари) Т. ТошДАУ 2003 й.
- 12,Каримов И.А. «Дәхқончилик тараққиёти, фаровонлик манбаи» Т 1994
- 13,Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида» Т 1995
- 14,Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» 1998й. 30 апрель. (2004 йил 3 декабргача киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан).
- 15,Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси № 12, 2004.
- 16Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида» (янги тахрирда)ги Қонуни 2004 йил 26 август «Халқ сўзи» газетаси, 2004.
- 17,. Беспалов Н.Ф. Норкулов У. Пути мелиорации засолённўх почв Средней Азии Изд. «Фан» (Монография) Т 1986.
- 18,Пахтакорлар учун маълумотнома Т 1993.
- 19,К.Н.Норхужаев. - “Инженерлик геодезияси”. - Т; Ўқитувчи 1984.
- 20,Т.М.Мирзаалиев. - “Картография”. - Т., 1986.
- 21,Левицкий И.Ю. и др. - “Геодезия с основами землеустройства”. - М: Недра, 1977.
- 22,. Карабаева Т., Артукметов З. «Геодезия асослари» Т.; «Арнапринт» 2005.

ТЕСТ

1. Катта ер майдонини ёки бу-тун ер шарини бирор бир нисбатда кичрайтириб ер эгрили-гини хисобга олиб туширилган тасвирига?

- A. Харита (Карта)
- B. Съёмка
- C. План
- D. Микёс (Масштаб)

2. Катта булмаган ер майдонини бирор нисбатда кичрайтириб туширилган текис-ликдаги тасвирига?

- A. План
- B. Профиль
- C. Харита (карта)
- D. Микёс (Масштаб)

3. Ер юзасининг берилган йуналиши буйича жойнинг вертикал кисмининг кичрайтирилиб туширилган тасвирига?

- A. Профиль
- B. Харита (Карта)
- C. План
- D. Микёс (Масштаб)

4. План масштаби деб нимага айтилади?

- A. Сурати бир булиб, маҳражи кичрайтириш даражасини курсатган оддий каср
- B. План, профиль ва карталарда бир неча бор кичрайтирилиб тасвирланиши
- C. Бутун ер юзаси-нинг горизонтал туширилган тасвири
- D. Сферик юзани бузмасдан ух-шаш холда туширилган тасвири.

5. Чизиклар йуналиши қандай бурчаклар билан аникланади?

- A. Азимут, румб ва дирекцион бурчаклар
- B. Тугри ва тескари бурчаклар
- C. Вертикал ва го-ризонтал бурчаклар
- D. Градус, минут ва секундлар билан

6. Магнит меридиани нима?

- A. Ер бетидан утиб, магнит кутбларини курсатувчи чизик
- B. Шимол ва жанубни курсатувчи чизик
- C. Шимол билан жанубни бирлаштирувчи чизик
- D. Шимолни кур-сатувчи йуна-лиш

7. Меридианнинг шимолий кисмидан чикиб, соат мили йуналиши буйича берилган чизикгача булган бурчак ?

- A. Азимут бурчаги
- B. Дирекцион бурчак
- C. Румб бурчаги
- D. Вертикал ва горизонтал бурчак

8. Ернинг катта ва кичик радиуси канча метрга teng?

- A. $a=6378245$ м
- B. $b=6356863$ м

- C. $a=9873622$ м
- D. $b=8476542$ м

9. Меридианнинг шимолий ёки жанубий кисмидан чикиб, хох-лаган тамонга бе-рилган чизикгача булган бурчак кандай бурчак дейилади?

- A. Румб бурчаги
- B. Дирекцион бурчак
- C. Вертикал бурчак
- D. Азимут бурчаги

10. Зонанинг ўкий меридиани ёки унга параллел йуналиши-нинг шимолий учидан чикиб соат мили буйича берилган чизикгача ўлчанган горизонтал бурчак кандай бурчак дейилади?

- A. Дирекцион бурчак
- B. Азимут бурчаги.
- C. Румб бурчаги
- D. Меридианлар-нинг якинла-шиш бурчаги

11. Жойдаги чизик узунлиги планда қайси ифода оркали то-пилади?

- A. $d= D / M$
- B. $D= M / d$
- C. $D= d \times M$
- D. $h= a - b$

12. Қайси масштабдан фойдаланилганда юкори аникликка эри-шамиз?

- A. Кундаланг
- B. Сонли
- C. Чизикли
- D. Майда ва йирик

13. М 1:5000 микёсдаги планда чизик узунлиги $d=1,85$ см булса, жойдаги чизик узунлиги D ни хисобланг?

- A. $D=92,50$ м
- B. $D =2702,7$ м
- C. $D =48,15$ м
- D. $D=0,037$ м

14. Жойдаги чи-зик узунлиги $D=250$ м, тарх микёси М 1:2000 булганда кесим узунлиги d ни хисобланг?

- A. $d=12,5$ см
- B. $d=8$ см
- C. $d=0,08$ см
- D. $d=0,125$ см

15. Буссоль асбоби нима учун кулланилади?

- A. Жойдаги чизикни ориентирлашда
- B. Вертикал ва горизонтал бурчаклар улчашда
- C. Жойдаги майдонни хисобга олишда
- D. Икки нукта орасидаги узунлигини улчашда

16. Лойиха чизигининг баландликлари қайси ифода ёрдамида хисобланади?

- A. $H_{\text{л}} = H_{\text{л-1}} + i \times S$
- B. $i = H_{\text{ох}} - H_{\text{бош}} / S$
- C. $X = U_1/U_1 + U_2 \times S$
- D. $H_{\text{иши}} = H_{\text{л}} - H_{\text{ер}}$

17. Юзани аник-лашнинг кайси бир усули аникроқ?

- A. Механик
- B. Аналитик
- C. График
- D. Геометрик

18. Республикализнинг умумий ер майдони неча гектарни ташкил килади?

- A. 44410300, га
- B. 4250000, га
- C. 2500000, га
- D. 4111600, га

19. Теодолит қандай асбоб? Теодолит бу:

- A. Горизонтал ва вертикал бурчак-ларни ҳамда ма-софаларни ўлчаш учун ишлатиладиган асосий геодезик асбоб
- B. Горизонтал ва вертикал бурчак-ларни ўлчаш учун ишлатила-диган геодезик асбоб
- C. Горизонтал ва қиялик бурчак-ларини ўлчаш учун ишлатила-диган геодезик асбоб
- D. Жойдаги бурчакларни ўл-чашда ишлати-ладиган асосий асбоб

20. Мутлоқ баландлик нима?

- A. Нуқтанинг сатҳий юзадан (денгиз ёки океан сувларининг тинч турғандаги юзаси) баландлиги
- B. Нуқтининг эл-липсоид юзасидан баландлиги
- C. Нуқтанинг Ер-нинг табиий юзасидан баландлиги
- D. Нуқтанинг геоид юзасидан баландлиги

21. Майдон қандай усуларда хисобланилади?

- A. График, аналитик ва механик усулларда
- B. Тугри ва тескари усулда
- C. Масштабли ва масштабсиз
- D. Теодолит ёрдамида

22. Нивелир қандай асбоб?

- A. Нивелир горизонтал кўриш (визирлаш) нури орқали вертикал рейкалардан олинган саноқлар ёрдамида нисбий баландликни аниқлашда ишла-тиладиган геодезик асбоб
- B. Нивелир-баландлик ўлчана-диган аниқ топог-рафик асбоб
- C. Нивелир-нуқта-ларнинг нисбий баландлигини аниқлашда ишлатиладиган геодезик асбоб
- D. Нивелир-гори-зонтал визир-лашга маслан-ган асбоб

23. Нивелирлаш деб нимага айтилади?

- A. Ер юзасидаги нуқталарнинг нисбий баландлигини аниқ-лашга
- B. Жойда икки нуқта орасидаги нисбий баландлиги аниқлашга

- C. Ер юзасидаги нұқталарнинг бир-бирига ёки бирор бошланғич сатхий юзага нисбатан баланлигини аниқлашга
- D. Нисбий балан-ликларни аниқ-лаш усулларига

24. Республикаизда ер түзиш хизмати қандай ташкил этилган?

- A. Давлат ер түзиш хизмати томони-дан
- B. Лойиха кидируд институти томо-нидан
- C. Вилоят булим-лари томонидан
- D. Декон хужа-ликлари томо-нидан

25. Ўртадан туриб нивелирлан-ганда нисбий баландликни то-пиш формуласи кайси бири?

- A. $h = a - v$
- B. $h = i - v$
- C. $h = i \times d$
- D. $h = s \times \operatorname{tg} v$

26. Географик меридиан нима?

- A. Ер бетидан утиб, шимолий ва жанубий кутбларни бирлаштирувчи 180^0 ёйга айтилади
- B. Ер шарини чизиклар билан булиш
- C. Шимолий ва жанубий кутбларни бирлаштирувчи чизик
- D. 180^0 ли ёйга айтилади

27. Географик кенгликтегі меридиан нима?

- A. Берилган нүктадан Ер марказига томон тусирилган тик чизик билан экватор текислиги орасида ҳосил бўлган бурчак
- B. Берилган нүктадан экваторгача бўлган масофа
- C. Берилган нуктадан ўтказилган параллел текислиги билан экватор орасида ҳосил бўлган бурчак
- D. Берилган нуктадан экватор-гача меридиан ёйиб бўйича ўлчанадиган бурчак

28. Агар берилган азимут бурчаги $353^0 50^1$ га тенг бўлса румбни хисобланг?

- A. ШF: $6^0 10^1$
- B. ШШк: $60^0 10^1$
- C. ЖШк: $80^0 10^1$
- D. ЖF: $12^0 10^1$

29. Берилган румб бурчак ЖШк $85^0 30^1$ га тенг бўлса азимут бурчагини хисобланг?

- A. $94^0 30^1$
- B. $85^0 30^1$
- C. $185^0 30^1$
- D. $285^0 30^1$

30. Кандай микёс турлари мавжуд?

- A. 3-хил сонли, чи-зикли ва кун-даланг
- B. 2-хил майда, урта ва йирик
- C. 2-хил тугри ва тескари
- D. 3-хил азимут, румб ва дирек-цион

31. Вертикал съемка деб нимага айтилади?

- A. Ер юзасидаги нукталарнинг мутлок ва нисбий баланд-ликларини аниклаш
- B. Тафсилотлар ур-нини съемка ки-лишга
- C. Икки йуналиш орасидаги гори-зонтал бурчакни улчаш
- D. Ёпик полигон тамонларини улчаш

32. Асбоб гори-зонти қайси ифода ёрдамида топилади?

- A. $A\Gamma = H_a + a$
- B. $\Delta\Gamma = h_1 + h_2 + h_3$
- C. $H_c = A\Gamma - C$
- D. $A\Gamma = a - b$

33. Теодолитлар аниклиги буйича неча хилга булинади?

- A. Уч хил: Юкори, аник, ва техник
- B. Икки хил: Техник ва буйлама
- C. Икки хил: Уртадан туриб ва олинга караб
- D. Уч хил: Геометрик, тригонометрик, ва барометрик

34. Нол нуктанинг баладлиги қайси ифода топилади?

- A. $H_o = H_a + i \times S$
- B. $i = H_{ox} - H_{bo} / S$
- C. $S = D \times \cos^2 a$
- D. $H_b = A\Gamma - b$

35. Богловчи нукта кандай нивелирланади?

- A. Рейканинг кора, кизил томонидан санок олинади
- B. Рейканинг кора томонидан санок олинади
- C. Рейканининг факат кизил томо-нидан санок олинади
- D. Богловчи нук-таларда рейкадан санок олинмайди

36. ИКС (Х) ли нукта нима?

- A. Нисбий баландлик рейканинг баландлигидан катта булганда олинади
- B. Нисбий баландлик рейканинг баландлигидан кичик булганда олинади
- C. Тафсилотда характерли нукталар булганда олинади
- D. ИКС (Х) нук-талар олишга рельеф бөгликтөр эмас

37. Республикаизда сугорилиб дехкончилик килинадиган умумий ер майдони канча гектарни ташкил килади?

- A. 4300000, га
- B. 23000, га
- C. 2500000, га
- D. 425000, га

38. Юзани нивелирлаш неча хил усулларда бажарилади?

- A. Икки хил: Квадрат ва магистрал
- B. Икки хил: Техник ва буйлама
- C. Икки хил: Лимбли ва компенсаторли
- D. Уч хил: Юко-ри, аник, ва техник

39 Олдинга караб нивелирлашда икки нукта орасидаги нисбий баландлик қайси ифода ёрдамида топилади?

- A. $h = i - b$

B. $h_0 = H_a - h_1$

C. $h = a - b$

D. $H_c = A \Gamma - C$

40. Ер тузиш тушинчаси нима?

A. Барчаси тугри

B. Бу ижтимоий-ик-тисодий жараён булиб ердан фой-даланиш, уни мухофаза килишни ташкил килади

C. Бу харитага тушириш, майдонларни хисоблаш, лойихалаш ва уни жойга кучиришдир

D. Бу план, карта ва профил ҳам-да ерларни тенг бўлиш демак-дир

41. Ер тузишнинг қандай турлари мавжуд?

A. Хужаликлараро ва хужалик ичida ер тузиш

B. Геометрик ва ана-литик усулда ер тузиш

C. Асосий ва умумий шаклда ер тузиш

D. Амалий ер тузиш, яъни ал-машлаб экишни ташкил килиш

42. Ер тузиш техникаси элементларига ни-малар киради?

A. План тузиш, май-донни хисоблаш ва когозга кучириш киради

B. Ер булагининг жойлашуви, шак-ли, ер тузиш турлари таркиби ва унинг чегаралари

C. Ер майдони плани, экин экиладиган майдонлар ва тупрок турлари

D. Асосий ва уму-мий шаклда ер тузиш

43. Хужаликлараро ер тузиш нима билан шу-гулланади?

A. бир неча хужа-ликларни камраб олиб, барча тар-моклар учун за-рурдир

B. алмашлаб экиш-ни ташкил этиш ва чегараларини тугри белгилаш билан

C. Ишлаб чикариш самарадорлигини ошириш учун ташкилий ва худудий шароит яратиб бериш

D. Худудни таш-кил килишдан иборат

44. Ер тузиш лойихаси нима?

A. Бу техник, ик-тисодий ва ху-кукий хужжатлар мажмуи булиб, чизмаларни, хисоб-китобларни уз ичига олади

B. Бу ерларни тар-моклар ва хужа-ликлар орасида таксимлашни уз ичига олади.

C. Бу худуларни ташкил килиш ва ердан фойдаланиш тартибини узгартиришни уз ичига олади

D. Бу жойдаги майдонларни бир неча баро-бар кичрай-тириб тушириш демакдир.

45. Ер фонди нечта тоифага бўлинади?

A. 8 та

B. 3 та

C. 5 та

D. 10 та

46. Ер кадаст-риниг таркибий кисмлари нима-лардан иборат?

A. Ер эгаларини руйхатдан утказиш, ерларнинг сифати ва микдорий хисоби, тупрок бони-тировкаси ва ер-ларни иктиносидий баҳолаш.

- B. Хужаликларо ва хужалик ичида ер тузиш
 - C. Ташкил кили-наётган хужаликнинг ер майдонини аниклаш, уни худудида жойлаштириш
 - D. Чизма кисми, ёзма кисми ва хукукий хуж-жатлар
- 47. "Ер кодекси "тугрисидаги конун качон кабул килинган?**
- A. 1998 йил 30- апрель
 - B. 1998 йил 5-сентябрь
 - C. 1924 йил 17- ноябрь
 - D. 1991 йил 1– сентябрь
- 48. Тупрок бони-тировкасининг ахамияти нимадан иборат?**
- A. Барчаси тугри
 - B. Алмашлаб экишни ташкил этганда ва ер лойихасини тузганда
 - C. Ер кадастрини утказганда
 - D. Ерларни му-хофаза килиш тадбирларини тузганда
- 49. Табиий, та-рихий белгилар бўйича бир-биридан фарқ қилувчи ҳамда маълум мақсад-лар учун фойда-ланадиган ёки фойдаланишга яроқли бўлган ерга нима деб аталади?**
- A. Ер ресурси
 - B. Ер хусусиятлари
 - C. Тупроқ унумдорлиги
 - D. Табиий шароит
- 50. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун узлук-сиз равишда фойдала-надиган ер тури нима?**
- A. Қишлоқ хўжалик ерлари
 - B. Табиатни муҳо-фаза қилиш ер-лари
 - C. Ўрмон фонди ер-лари
 - D. Қишлоқ хў-жалик ерлари

